

Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 18 сентябрь, № 192 (7150)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК: ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШ ТАЖРИБАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида 17 сентябрь кунини “Диний бағрикенглик: Ўзбекистон ва АҚШ тажрибаси” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир АҚШнинг халқаро диний эркинликлар соҳасидаги махсус топшириқлар бўйича элчиси Самуэл Браунбэк бошчилигидаги делегациясининг мамлакатимизга ташрифи доирасида ташкил этилди. Унда делегация аъзолари, АҚШнинг Глобал ҳамкорлик институтини, мамлакатимизнинг қатор вазирлик ҳамда идоралари мутасаддилари, фуқаролик жамияти институтлари, диний конфессиялар вакиллари катнашди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоев Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётгани, бу ислохотлар негизда сиёсий ва иқтисодий модернизация, яъни Ўзбекистонни замонавий давлатга айлантириш гоёси мужассам эканини таъкидлади.

Замонавий давлатга айланиш инсон ҳуқуқларини таъминлашни назарда tutади. Аслида ҳеч бир жамиятда барқарор ривожланишга диний эркинлигини таъминлаш масдасдан эришиб бўлмайди. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ҳамда диний эркинлигини таъминлаш борасида АҚШ билан тизимли ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, 2017 йилда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг дин ва этиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шахиднинг мамлакатимизга ташрифи доирасида диний эркинлик соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар “Йўл харитаси” ишлаб



ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Шу кунларда мамлакатимизда мусулмон дунёсининг энг нуфузли молия муассасаларидан бири — Ислон тараққиёт банки президенти Бандар Ҳажар бошчилигидаги делегация меҳмон бўлиб турибди.

Сафар доирасида мазкур делегация аъзолари Ўзбекистон халқаро ислом академиясига ташриф буюрди. Меҳмонлар дастлаб академия таркибидagi Манбалар хазинасини кўздан кечирди. Бу ерда сақланаётган қўлёзма асарлар, қадимий кўлёзма ва тошбосма асарлар Ислон тараққиёт банки делегациясида катта қизиқиш уйғотди.

Учрашув чоғида Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори Ш. Ёвқочев мамлакатимизда маънавий-маъ-

рифий ислохотларни замон руҳига ҳамоҳанг йўлга қўйиш, ислом ва жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган аждодларимизнинг бой маданий меросини чуқур ўрганиш асосида ёшларнинг онгу тафаккурини шакллантириш, ёш авлодни заминимиздан етишиб чиққан улугъ алломаларнинг бой ва бектор меросидан баҳраманд этиш юзасидан тизимли ишлар олиб борилаётганини таъкидлади.



ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛЬ

Рақснинг сеҳрли олами

14 — 16 сентябрь кунлари Хива шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида “Рақс сеҳри” халқаро фестивали ўтказилди.

Президентимизнинг 2017 йил 4 майдаги “2017 — 2021 йилларда Хива шаҳри ва Хоразм вилоятининг туристик салоҳиятини комплекс ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш, воҳага ташриф буюраётган хорижий сайёҳлар орасида бой маданий меросини кенг тарғиб этиш ва шу орқали “Арт” туризмни ривожлантиришга қаратилган мазкур санъат байрамида юртимизнинг турли ҳудудларида фаолият кўрсатаётган фольклор жамоалари, хорижлик рақс санъати усталари, меҳмонлар катнашди.

Тадбир муносабати билан Ичан-Қалъанинг қадимий

обидалари, майдонлари ҳар қачонгидан-да гўзал ва мафтункор қиёфа касб этди. Фестиваль доирасида, шунингдек, Ўзбекистон рақс санъати фотокурғазмаси, халқ ҳунармандчилиги маҳсулотлари ярмаркаси ҳам ташкил қилинди. Хива кўғирчоқ театри, масҳарабозлар, дорбозлар томошалари, турли ани-мацион шоулар, миллий таомлар кўргазмаси ва рақс либослари намойиши иштирокчиларга бир олам завқу шавқ улашди. Рақс санъати усталари билан ижодий учрашувлар, маҳорат дарслари, сайёр концерт дастурлари уюштирилди.



Юксак эътибордан кўнгиллар мунаввар

Бу пойтахтимизнинг Шайхонтохур тумани маҳаллалари аҳолиси билан ўтказилган мулоқотларда яққол намоён бўлди.

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ...

Инсоннинг бахтли яшаши учун кўп нарса керак эмас: тинчлик ва фаровонлик, аҳил ҳамда хотиржам оиласи, уй-жойи, ўзи ёқтирган иши бўлса, фарзандлари соғ-саломат ўсса, зарур шарт-шароитлар яратилса, бас.



Бир қарашда булар оддий гапга, осонгина бажарса бўладиган юмушга ўхшайди. Аммо уларнинг ҳар бири синчиқлаб ўрганилса, моҳиятига теранроқ назар солинса, олам-олам маъно-мазмун мужассам экани аён бўлади. “Юртда тинчлик ва фаровонлик бўлса”, деган гап мағзини чақиб кўрайлик. Эҳ-ҳе, бу сўз замирида нақадар улкан маъно ва мақсадлар жо

бўлган. Ёхуд аҳил ва хотиржам оила, уй-жой масаласи. Юртда тинчлик, оилада хотиржамлик, бошида бошпанаси бўлмаса, қандай қилиб ўзини бахтли сезади? Сезолмайди. Ўзи ёқтирган иш, фарзандлар камоли, зарур шароитлар инсон ҳаёти тўқилигининг муҳим омилларидир. Буларсиз бахтли ҳаётни тасаввур қилиш қийин.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлардан асосий мақсад ҳам халқни рози қилиш, яъни бахтли ҳаётини, фаровон турмуш тарзини таъминлашдир. Ана шу эзгу, олижаноб ниятни рўёбга чиқариш учун катта-кичик — барча раҳбарлар уйма-уй, маҳаллама-маҳалла, қишлоқма-қишлоқ юриб,

одамлар билан очик, самимий мулоқот қилмоқда, уларнинг дардини, тақлифини эшитяпти, муаммоларини иложи борида жойида ҳал этияпти. Олдингидек “қўриб чиқамиз, маслаҳатлашамиз ўрганиш жараёнида” деган мужмал гапларга барҳам берилаётир.



ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Муносабатлар янги босқичда

Парламент юқори палатасида Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоевнинг Ҳиндистон Ташқи ишлар давлат вазирини Мушавир Жавед Акбар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Унда икки томонлама муносабатларнинг истикболлари, шу жумладан, жорий йил октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистонга давлат ташрифини ташкил этишга доир масалалар муҳокама қилинди.

Томонлар Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида дўстлик ҳамда стратегик ҳамкорлик муносабатлари илдам ривожланиб бораётганини таъкидлашди. Кўп асрлик маданий ва савдо-иқтисодий алоқаларга, энг аввало, халқларимиз ўртасидаги чин дўстлик ришталарига асосланган Ўзбекистон — Ҳиндистон муно-

сабатлари юксак даражадаги икки томонлама ҳамкорлик сифатида тавсифланади.

Хусусан, Ҳиндистонда Ўзбекистон Республикасининг маданият кунлари муваффақиятли ўтказилди. “Ҳиндистон — Марказий Осиё” мулоқоти мамлакатлар ўртасидаги сиёсий ҳамда иқтисодий ҳамкорлигининг бугунги ҳолати, истикболларини, барқарор тараққиётга хавф солувчи таҳдидларга қарши курашиш, икки томонлама ва кўп томонлама алоқаларни, транспорт-логистика ва инвестиция соҳаларидаги ҳамкорлиқни ривожланти-

риш масалаларини муҳокама қилиш учун ўзига хос майдонга айланди.

Томонлар парламентларо ҳамкорлиқни дўстлик гуруҳлари йўналишида ҳам мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилдилар. Ҳозирги вақтда Олий Мажлисида Ҳиндистон Республикаси парламенти билан ҳамкорлик бўйича дўстлик гуруҳи ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Учрашув якунлари бўйича Мушавир Жавед Акбар Ўзбекистон ва Ҳиндистон қўшма тадбирларини муваффақиятли ўтказиш учун барча саъй-ҳаракатни ишга солишга тайёригини билдирди.

Мунсхон КАРИМОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қуйи палатанинг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси томонидан “Тараққиёт стратегияси” маркази билан ҳамкорликда “Ахборот очиқлиги ва демократия” мавзусида конференция ташкил этилди.

«Очиқлик индекси»

ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Анжуман иштирокчиларининг фикрича, Ўзбекистонда миллий ахборот маконининг ривожланиши динамикасида сон ва сифат кўрсаткичлари ҳам, фуқароларнинг расмий ахборотлардан фойдаланиш имконияти ҳам тизимли равишда яхшиланиб бормоқда. Фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти юзасидан ахборот олишга доир сўровла-

рини кўриб чиқиш тизими шакллантирилиб, самарали йўлга қўйилди, оммавий ахборот воситаларида аҳолини ўйлантираётган ҳар қандай масалалар очик ҳамда эркин муҳокама этиляпти. Албатта, буларнинг барчаси мамлакатимизда ахборот очиқлигини таъминлаш ва демократик жараёнларни чуқурлаштиришда муҳим ўрин тутди.



ДОЛЗАРБ МАВЗУ

“UzCard” тизимидаги ўзилишларга нима сабаб бўлмоқда?

Халқимиз орасида “электрон ҳамён” деб аталувчи пластик картонкалар орқали ҳисоб-китоб тизими шунчалик оммалашиб кетгани, эндиликда узсиз кундалик ҳаётимизни тасаввур қилиш жуда қийин. Бунинг кўпчилиги охириги икки кун ичида кузатилган ноқулайликлар босис янада теранроқ хис этгани, шубҳасиз.



Гап шундаки, 15 сентябрда “UzCard” чакана тўлов тизимида юзага келган техник носозлик оқибатида пластик картонка орқали бажариладиган барча турдаги банк операциялари тўхтаб қолди. Шу жумладан, савдо терминаллари орқали тўлов қилиш, банкوماتлардан пул ечишнинг имкони бўлмади.

Ягона умумреспублика процессинг маркази ушбу ҳолатни тизимда юзага келган техник носозлик билан изохлаб, муаммони бартараф этиш учун соҳа мутахассислари, дастурчилар танаффуссиз ишлаётганини таъкидлади. Бунинг самараси ўзларок, 17 сентябрнинг биринчи ярмида тизимда тўлов карталаридаги қолдиқ ҳақида маълумотларни қайта тиклашга муваффақ бўлинди.

Айтиш жоизки, техник носозлиқнинг бундай узок давом этиши аҳоли ўртасида республикамиздаги 28 та банк тўлов тизимлари бирлаштирилган “UzCard”га нисбатан ишонсизлиқни келтириб чиқарди. Энг ачинарлиси, иқтисодиётимизнинг савдо, хизмат кўрсатиш каби тармоқлари катта миқдорда иқтисодий зарар кўрди. Негаки, Марказий банк маълумотларига қараганда, 2018 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, 18 миллиондан ортиқ пластик картонкалар муомалага чиқарилган. Жойларда ўрнатилган терминаллар сони 243 минг 236 та, банкومات ва инфокиосклар эса 6 минг 279 тани ташкил этади. Пировардиди жорий йилнинг ўтган саккиз ойда тўлов терминаллари орқали 39 триллион 278 миллиард сўмликдан зиёд тушувлар тушди. Бу терминаллар орқали кунига ўртача 164 миллиард сўмлик ҳисоб-китоб қилинади, деганидир. Шу ҳисобда техник носозлик ортидан кўриладиган иқтисодий зарар ҳажмини ўзингиз чамалаб кўраверинг.



ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК: ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШ ТАЖРИБАСИ

1➡ “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун янги таҳрирда ишлаб чиқиляётгани, дин ҳамда эътиқод эркинлигини таъминлаш бўйича “Йўл харитаси” ижроси, зиёрат туризми бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Давра суҳбатда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий У. Алимов, Митрополит Викентий, Ўзбекистондаги Рим-католик черкови епископи Е. Мацулевич, Якудийлар диний жамоаси раҳбари А. Исахаров, Баҳоийлар жамоаси раҳбари Т. Клеменова, Кришнани ағлаш жамоаси руҳонийси И. Закиров юртимизда барча миллат ва элат вакиллари-нинг диний эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилгани, Ўзбекистонда динга эътиқод қилувчилар Қурбон ҳамда Рамазон ҳайитлари ва бошқа диний байрамлари эмин-эркин нишонлаётганини, диний эркинлик соҳасида ҳеч қандай чекловлар ҳамда тизолар йўқлигини қайд этди.

— Ўзбекистонда бундан 17 йил аввал бўлганман, — деди АҚШнинг халқаро диний эркинликлар соҳасидаги махсус топшириқлари бўйича элчиси Самуэл Браунбэк. — Ўтган даврда мамлакатингиз эришган ютуқларга ғувоҳ бўлдим. Таширф давомида қатор мутасаддилар билан суҳбатлашдим. Юртингиздаги ҳар бир ютук АҚШда катта



ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

1➡ Бу жараёнда “Жаҳолатга қарши маърифат” улугвор ғояси асосида диннинг асл инсонпарварлик моҳиятини, эзгулик, тинчлик ва инсонийлик каби фазилатлар азаллий қадриятларимизни ифодаси эканлигини кенг ёритиш ва бу соҳадаги илмий-маърифий фаолиятни жадал ташкил этишга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда.

Тадбир доирасида Ислон тараққиёт банки делегациясининг ушбу академия талабалари, магистрант, профессор-ўқитувчилари билан учрашуви бўлиб ўтди. Хориқлик меҳмонлар Ислон тараққиёт банки, унинг фаолияти хусусида атрафлича маълумот берди. Таъкидлаш жоизки, Ислон тараққиёт банки Ўзбекистон билан мустақкам алоқаларини ривожлантириб келмоқда. Ислон тараққиёт банкига мамлакатимиз 2003 йилда аъзо бўлган. Шундан буён Ўзбекистон билан барн ўртасидаги муносабатлар жадал ривожланиб бормоқда.

Айниқса, томонлар ижтимоий ҳамда иқтисодий йўналтирилган лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бора-сида кенг қўламли ҳамкорлик қилаётир. Бу лойиҳалар қурилиш, ирригация, энергетика, коммунал хўжалик, тиббиёт, таълим каби соҳаларни қамраб олгани билан аҳамиятлидир. Шу билан бирга, мутахассислар алоқаларни янада тараққий топтириш, янги босқичга кўтариш учун улкан салоҳият мавжудлигини қайд этмоқда.

— Ўзбекистонда инсон омилига, ёшлар таълим-тарбиясига устувор аҳамият қаратаётганини диққатга сазовор, — дейди Ислон тараққиёт банки президенти Бандар Ҳажар. — Бу диёр жаҳон илм-фанига, маърифати ривожига муносиб ҳисса қўшган буюк мутафаккирлар, улуг алломалар Ватани. Ёшлар ўз бобокалонларига, шу табарруқ юртга муносиб инсон бўлиб улғайиши керак.

Делегация аъзолари Тошкент вилоятида барпо этилаётган замонавий уй-жойлар билан танишди. Республика икти-сослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда бошқа муассасалар, тегишли вазирлик ва идораларда бўлилар. Бу таширф Ўзбекистон Республикаси билан Ислон тараққиёт банки ўртасидаги ўзаро ман-фаатли ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш ҳамда янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

**Н. УСМОНОВА,
Ўза мухбири.**

Тошкентда яна бир йирик халқаро анжуманга ҳозирлик кўрилмақда

20-21 сентябрь кунлари пойтахтимизда “Марказий Осиё халқаро транспорт йўлаклари тизимида: стратегик истиқболлар ва фойдаланилмаган имкониятлар” мавзуда халқаро конференция бўлиб ўтади.

КОНФЕРЕНЦИЯ ОЛДИДАН

Яқинда ушбу тадбир олдида пойтахтимизда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан матбуот анжумани ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти, Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Ўзбекистон автомобиль транспор-ти агентлиги мутасаддилари таъкидлаганидек, мазкур тадбир Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги алоқаларни нафақат мустақамлаш, балки кенгайтиришда янги ва истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Ҳозиргача анжуманда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Афғонистон, Беларусь Республикаси, Германия, АҚШ, Латвия, Литва, Молдова, Покистон, Россия, Польша, Озарбайжон,

Хиндистон, Таиланд, Туркия, Япония каби 50 дан ортиқ мамлакатлардан 340 нафар меҳмон иштирок этиш истиғини билдирган.

Кеча бўлиб ўтган Халқаро пресс-клуб-нинг навбатдаги сессияси ҳам ушбу мавзуга бағишланди. Унда таъкидланганидек, мазкур анжуманнинг аҳамияти ҳудуд юқори. Чўнки кейинги йилларда Марказий Осиё ҳудудидаги халқлар ўзаро яхши қўшничилик асосидаги муносабатларни тобора мустақамлаб бораётти. Алоқалар, очилиқ, ўзаро ишонч ва биргаликдаги саъй-ҳаракатларга таянган ҳолда кенгаймоқда. Бунда транспорт логистикаси доирасидаги ишлар ҳам янги босқичга кўтарилиб, қўлаб истиқболли лойиҳаларга киришилётганини диққатга сазовордир.

— Мазкур форум ҳақида гапиришдан олдин бунгача бўлган жараён хусусида бир оз фикр юритсак, — дейди “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик

жамияти бошқаруви раиси биринчи ўринбосари Фазлиддин Сағдуллаев. — Охи-рг икки йил ичида Президентимиз та-шаббуси билан қўшни давлатлар билан муносабатлар янги босқичга кўтарилди. Бунинг бугун барчамиз кундалик ҳаёти-мизда кўриб турибмиз. Албатта, ўзаро бор-ди-келдиларини ривожлантиришда транс-порт тизимининг аҳамияти бекиёс. Сабаби транспорт орқали ўзаро боғлиқ-лик амалга оширилади.

Темир йўл Марказий Осиёда, умуман, бутун дунёда транспорт тизимининг му-ҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Шу боис халқаро конференциядан ол-дин, яъни 19 сентябрь кунин ШХТ дав-латлари темир йўл раҳбарларининг би-ринчи учрашуви ҳам ташкил этилди. Шу пайтгача янги форматдаги бундай йиғи-лишлар ўтказилмаган.

ШХТга аъзо давлатлар темир йўлла-рининг умумий узунлиги 397 минг кило-метрини ташкил этади. Шундан 22 минг километри Марказий Осиё давлатлари хиссасига тўғри келади. Бу тадбирлар транспорт тизимига, хусусан, темир йўлларга бўлган катта эътибордан далолатдир.

Дарҳақиқат, мазкур халқаро конфе-ренция нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақа давлатлари учун ниҳоятда

муҳим воқеадир. Бинобарин, унда халқаро молиявий институтлар, ташкилотлар, транспорт уюмалари, транспорт ва ло-гистика компаниялари вакиллари билан янги транспорт йўлакларини шаклланти-риш ҳамда такомиллаштириш бўйича му-лоқот қилинади. Халқаро ташкилотлар, молиявий тузилмалар билан ҳамкорлик-да Марказий Осиё мамлакатларининг транспорт-транзит салоҳиятини янада оширишга қаратилган масалалар муҳо-кама этилади. Жумладан, халқаро форум-да “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси минтақа авиация соҳа-сини янада ривожлантириш, умуман, транспорт соҳасини жаҳон иқтисодиёти-га интеграциялаштириш учун ғоя ва так-лифлар назарда тутилган “Чегара бил-мас Марказий Осиё” деб номланган кон-цепцияни илгари суришни режалаштир-ган. Шунингдек, Ўзбекистон Республика-си Автомобиль йўллари давлат қўми-таси, Ўзбекистон автомобиль транспор-ти агентлиги томонидан қўлаб ташаббус-лар билдириладики, у тадбирнинг янада самарали бўлишини таъминлайди.

**Дилшод УЛУҒМУРДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Мамлакатимизда бола ҳуқуқларини таъминлашда ота-она қарамогидан махрум бўлган, етим болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хусусан, уларнинг таълим олиши, соғлиғини сақлаш, ҳаётга мослашишига ҳуқуқий шароит яратиш бўйича алоҳида қонун қабул қилинмаган. Шу боис айрим ҳолатларда етим, ота-она қарамогидан мосуво болаларнинг таълим олиши, меҳнат қилиши, ҳаттоки, уй-жойга эга бўлишга доир ҳуқуқларини таъминлаш масаласи долзарб ҳисобланади.

аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очик мулоқотлар шунинг кўрсатки-даки, жойларда ёшлар, айниқса, бола ҳуқуқларини таъминлаш борасида бир қатор муаммолар кузатилаётир.

Эшитувда ана шундай муаммо-лар ўртага ташланди. Депутатлар ўрганишларда Тошкент шаҳрида 2017-2018 йиллар давомида уй-жойга муҳтож етим болаларнинг 118 нафарининг аризаси рўйхатга олингани, шундан 50 таси бугунги кунга қадар ҳал этилмаганига эъти-бор қаратдилар. Тошкент вилоя-тида ўтган йилларда ижтимоий ҳимояга муҳтож 17 болага уй-жой ажратишда муаммо юзага келган, қолган вилоятлардан ҳам 10 дан зиёд аризалар келиб тушган. Ту-

раржойга муҳтожлар республика-нинг барча ҳудудида ҳисобга олин-ган бўлишига қарамасдан, Анди-жон, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида 2017 йил-да биронта ҳам шахс тураржой би-лан таъминланмаган. Тураржойга муҳтожларнинг энг катта кўрсат-кичи Тошкент шаҳри ҳиссасига (235 нафар) тўғри келса, кейинги ўринларда Тошкент (81 нафар), На-воий (73) вилоятлари қайд этилган.

Шунингдек, депутатлар томони-дан жойлардаги ўрганишларда Меҳрибонлик уйлари фаолияти ак-сарият ҳолларда ташқаридан ке-лаётган текширувчилар учун тайёрланаётгани, айрим муассаса-ларда педагог фаолиятнинг тўғри йўлга қўйилмагани, болаларнинг назоратсиз қолиши кузатишган.

Тадбир якунида мавжуд муам-моларни бартараф этиш, соҳага оид қонунчиликни такомиллашти-риш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Сектор раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги кучайтирилади

а оширилган ишлар ҳамда куз-қиш мавсуми-га тайёргарлик юзасидан масъул вазирлик ва идо-ралар, секторлар раҳбар-ларининг ахборотлари эшитилди. Бу ҳақда жур-налистларга Олий Мах-лис Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик орган-лари фаолиятини кучайти-ришга қўмаклашувчи ко-миссияси раиси Тolibжон Мадумаров Тошкент ша-ҳри туманлари маҳаллий Кенгашларининг қўша мажлисларида муҳокама этилган масалалар ва қабул қилинган қарорлар юзасидан ахборот берди.

Маълум бўлишича, ҳозирги пайтда Тошкент шаҳри бўйича қафатгина 91 минг киши Жамоат иш-лари жағмармаси ҳисоби-дан бир мартали ва вақ-тинчалик ишларга жалб қилинган. Бу борада мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Жорий йилнинг биринчи

ярми якунларига кўра, но-расмий банд аҳоли сони 141 минг нафардан зиёд-ни ташкил этган.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вази-рлиги пойтахт туманлари-да ичимлик суви, иссиқ-лик таъминоти ва кана-лизация хизматларини яхшилаш, тураржой ма-взеларидаги дренаж-ир-ригация тизимларини таъмирлаш ва тиклаш ҳамда куз-қиш мавсуми-ни бетағайрут ўтказиш бўйича белгиланган тад-бирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш борасидаги ишларнинг бориши ҳақида танқидий-таҳли-лий ахборотлар тақдим этди. Хусусан, пойтахти-мизнинг кўп қаватли уй-ларини куз-қиш мавсуми-га тайёрлаш дастури до-ирасида қарийб 158 мил-лиард сўм кредит маб-лағлари ажратилган. Бироқ белгиланган вази-

фаларнинг ярмидан кўпи (51 фоиз) ўз вақтида иж-ро этилмаган. Айниқса, Яш-нобод, Чилонзор, Серге-ли, Бектемир ва Шайхон-тоҳур туманларида бу йўналишдаги ишлар пай-салга солинаётгани қайд этилди. Бундан ташқари, Тошкент шаҳридаги мав-жуд 1440 та хусусий уй-жой мулкдорлари шир-ка-тидан 304 таси молиявий аҳоли қонқарсизлиги сабабли имтиёзли кре-дитлар ололмаган. Улар-нинг аксарияти Миробод, Шайхонтоҳур, Чилонзор, Сергели ва Юнусобод ту-манларида тўғри келади.

Қўша мажлисларда шу йўналишдаги ишлар-нинг бориши қонқарсиз, деб топилиб, мавжуд му-аммоларни тезда ҳал қилиш, жумладан, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини узоғи билан шу йилнинг 25 сентябрга қадар тўлиқ якунлаш, ху-сусий уй-жой мулкдорла-

ри ширкатлари фаолияти-ни танқидий ўрганиш ва самарадорлигини оши-риш чораларини кўриш бўйича масъул вазирлик ва идоралар ҳамда сек-торлар раҳбарлирига аниқ вазифалар берилди.

Муҳокамалар жараёни-да секторлар раҳбарлари ўз ҳудудида аниқланган ҳар бир муаммонинг тез-корлик билан ҳамда си-фатли ҳал этилиши учун шахсан жавобгарлиги яна бир қарра таъкидланди.

Брифинг якунида Олий Мажлис Сенатининг Ма-ҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссияси раиси бу йўналишдаги ишлар давом эттирилишини, эришилган натижалар ҳақида Комиссия томони-дан кенг жамоатчиликка мунтазам равишда ахбо-рот бериб борилишини таъкидлаб ўтди.

Мунисон ҚАРИМОВА.



аъзолари таркибида Олимпия ва Осиё уйинлари, жаҳон чемпионат-ларида фаол қатнашиб келмоқда.

Келгусида университет ҳудуди-да 1600 ўринга мўлжалланган та-лабалар тураржойи, 600 ўринли ўқув биносига эга бўлган гимна-стика зали, 3 та спорт иншооти барпо этиш ҳамда футбол май-донини ва унинг маъмурий биноси-ни қайта реконструкция қилиш режалаштирилган.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ.

Боҳром АБДУРАҲИМОВ
олган суратлар.



муҳим воқеадир. Бинобарин, унда халқаро молиявий институтлар, ташкилотлар, транспорт уюмалари, транспорт ва ло-гистика компаниялари вакиллари билан янги транспорт йўлакларини шаклланти-риш ҳамда такомиллаштириш бўйича му-лоқот қилинади. Халқаро ташкилотлар, молиявий тузилмалар билан ҳамкорлик-да Марказий Осиё мамлакатларининг транспорт-транзит салоҳиятини янада оширишга қаратилган масалалар муҳо-кама этилади. Жумладан, халқаро форум-да “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси минтақа авиация соҳа-сини янада ривожлантириш, умуман, транспорт соҳасини жаҳон иқтисодиёти-га интеграциялаштириш учун ғоя ва так-лифлар назарда тутилган “Чегара бил-мас Марказий Осиё” деб номланган кон-цепцияни илгари суришни режалаштир-ган. Шунингдек, Ўзбекистон Республика-си Автомобиль йўллари давлат қўми-таси, Ўзбекистон автомобиль транспор-ти агентлиги томонидан қўлаб ташаббус-лар билдириладики, у тадбирнинг янада самарали бўлишини таъминлайди.

**Дилшод УЛУҒМУРДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

Халқ сўзи

раржойга муҳтожлар республика-нинг барча ҳудудида ҳисобга олин-ган бўлишига қарамасдан, Анди-жон, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида 2017 йил-да биронта ҳам шахс тураржой би-лан таъминланмаган. Тураржойга муҳтожларнинг энг катта кўрсат-кичи Тошкент шаҳри ҳиссасига (235 нафар) тўғри келса, кейинги ўринларда Тошкент (81 нафар), На-воий (73) вилоятлари қайд этилган.

Шунингдек, депутатлар томони-дан жойлардаги ўрганишларда Меҳрибонлик уйлари фаолияти ак-сарият ҳолларда ташқаридан ке-лаётган текширувчилар учун тайёрланаётгани, айрим муассаса-ларда педагог фаолиятнинг тўғри йўлга қўйилмагани, болаларнинг назоратсиз қолиши кузатишган.

Тадбир якунида мавжуд муам-моларни бартараф этиш, соҳага оид қонунчиликни такомиллашти-риш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

ри ширкатлари фаолияти-ни танқидий ўрганиш ва самарадорлигини оши-риш чораларини кўриш бўйича масъул вазирлик ва идоралар ҳамда сек-торлар раҳбарлирига аниқ вазифалар берилди.

Муҳокамалар жараёни-да секторлар раҳбарлари ўз ҳудудида аниқланган ҳар бир муаммонинг тез-корлик билан ҳамда си-фатли ҳал этилиши учун шахсан жавобгарлиги яна бир қарра таъкидланди.

Брифинг якунида Олий Мажлис Сенатининг Ма-ҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссияси раиси бу йўналишдаги ишлар давом эттирилишини, эришилган натижалар ҳақида Комиссия томони-дан кенг жамоатчиликка мунтазам равишда ахбо-рот бериб борилишини таъкидлаб ўтди.

Мунисон ҚАРИМОВА.

золаниши қутиляпти. Янги марказ эса 2019 йилда ишга туширилиши мўлжалланмоқда.

— Одамлар орасида тизимнинг ишдан чиққишига ташқи омилларнинг таъсири йўқмаккан, деган хавотир ҳам пайдо бўлган. Айтинг-чи, мижозлар ҳисоб рақамидидаги қолдиқ маблағлар тўлиқ сақланиб қолиндими?

— Амалиётда техник носозликлар бўлиб туриши табиий ҳол, — дейди сўхбатдошимиз. — Бу жараён одат-да узоғи билан бир соатда изга тушиб кетади. Чўнки тизимдаги

«UzCard» тизимидаги узилишларга нима сабаб бўлмақда?

ҳақида расмий баёнот ҳам берилди.

Унда келтирилишича, Марказий банк аъзо берган вазиятни шўнчаки эътиборсиз қолдирмайди. Қўнунчи-ликка ўзгартиш киритиш бўйича та-шаббус илгари сурилади. Унда чака-на тўлов тизимларининг барқарор фаолият юритиши мақсатида улар-нинг ишини назорат қилиш ва тар-тибга солиш бўйича Марказий банк ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш кўзда тутилади.

Мустанқил экспертлар муаммолар-нинг юзага келиши чакана тўлов ин-фратузилмаси битта операторга боғ-ланиб қолганида, дейишмоқда. Шу-нинг учун тизимда, энг аввало, ра-қобат муҳитини юзага келтириш зарур.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизмат-лари оммабоплигини ошириш бўйи-ча қўшимча чора-тадбирлар тўғри-сида”ги қарориде Миллий банк про-цессинг марказини ташкил этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб бе-рилган эди. Ҳўш, унинг ижроси қай даражада?

— Бу борадаги ишлар изчил да-вом эттириляпти, — дейди Марка-зий банкнинг Тўлов тизимлари ва ах-борот технологиялари департамен-ти директори ўринбосари Улуғбек Махмудов. — Бугунги кунга қадар Лойиҳа бошқаруви миллий агентли-ги билан биргаликда маҳаллий ва халқаро банк карталари бўйича ҳисоб-китоблар иштирокидаги ўрта-сида ахборот ҳамда технология ўзаро муносабатларни таъминловчи Миллий банк процессинг марказини ташкил этиш концепцияси ишлаб чиқилди, шунингдек, қарор лойиҳа-си ва “Йўл харитаси” тайёрланди. Ушбу ҳужжатлар қўн кўнларда им-

асосий сервер ишдан чиқса, захи-расидан фойдаланилади. “UzCard” чакана тўлов тизимининг икки кўн-лаб ишламаслиги турли хавотирлар-ни келтириб чиқарганидан кўз юмиб бўлмайди. Лекин ортиқча гап-сўзлар-га ҳожат йўқ. Пластик қарточкалар-даги маблағлар ҳамда барча маълу-мотлар тўлиқ, хавфсиз сақланмоқда.

Табиий савол туғилади. Аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётган тизимдаги техник носозлик қаердан келиб чиқди? Бу кўнглисиз ҳолатнинг асл сабаби нимада? Келгусида бун-дай вазият такрорланмаслиги учун қандай чоралар кўрилади?

Ягона умумреспублика процессинг маркази (ЯҲПМ) бош директори Аҳром Махмудовнинг изоҳлашича, POS ва Е-POS АТМ қурилмаларига улана олмаслик туфайли юзага чиқ-қан муаммо босқичма-босқич барта-раф этилди. 17 сентябрнинг иккинчи ярмида эса тизимдаги техник носоз-лик тўлиқ бартараф этилди. Мамла-катимизнинг барча ҳудудидаги сав-до ва хизмат кўрсатиш тармоқлари-да пластик қарточкалар орқали яна ҳисоб-китоб қилина бошланди.

Вазиятга тегишли маълумотлар эса мутасаддилар, соҳа мутахассис-лари томонидан ҳар томонлама чу-қур ўрганилмоқда. Унинг натижалари-га қўра, ҳулоса чиқарилиб, юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан тезкор чора-тадбирлар кўрилади.

**Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

Тахририятдан:
Газетамиз саҳифаланаётганида «UzCard» тизимида яна узилишлар рўй бераётгани хусусида хабар олдик.

ЯНГИЛИКЛАР,

ХАБАРЛАР,

ВОҚЕАЛАР

Экологик тоза
маҳсулотлар
тайёрланади

Булоқбоши туманининг адирликлари ёнбағрида барпо этилган “Eco clean trans” масъулияти чекланган жамиятида чиқиндиларни қайта ишлаш учун Хитойдан энг сўнгги русумдаги дастгоҳлар олиб келинди.



Улар ёрдамида ҳар қандай турдаги иккиламчи хом ашёдан экологик тоза салфетка, резина гранулялари, шлакоблок каби тайёр ва яримтайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Корхонамиз тасарруфида 48 та йирик махсус автотранспорт воситаси ва 15 та кичик ҳажмдаги мобил мототранспорт мавжуд, — дейди корхона раҳбари Сардорбек Тожимахмудов. — Айни пайтда тажриба тариқасида Андижон шаҳридаги чиқиндиларни қайта ишлаш билан машғулмиз.

Саминжон ҲУСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Пойабзал
корхонаси
ишга тушди

“Арнасой пойабзали” масъулияти чекланган жамияти томонидан болалар ва катталар оёқ кийимлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхона фаолияти йўлга қўйилди.

— Ушбу лойиҳани хитойлик ҳамкорлар билан биргаликда амалга оширдик, — дейди корхона раҳбари Фарух Махмудов. — Ҳозир бу ерда кунига 5 турдаги 120 жуфт маҳсулот тайёрланапти.

Умумий қиймати 3,5 миллиард сўм бўлган мазкур корхонага тадбиркорнинг 300 миллион, банкнинг эса 3,2 миллиард сўмлик маблағи йўналтирилди.

Толибжон ЭРҒАШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қўшма
факультет
ташкил этилди

Фаргона политехника институтида В. Шухов номидаги Белгород давлат технология университети билан ҳамкорликда технологик жиҳозлар ва комплекслар қўшма факультети ташкил этилди. Ушбу факультетда замонавий технологиялар соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Таъкидлаш керакки, жорий ўқув йилида таълим жараёнига чет эллик профессор-ўқитувчиларни ҳам жалб қилиш борасида амалий сазй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Хусусан, В. Шухов номидаги Белгород давлат технология, Уфа давлат нефть-техника, Воронеж давлат техника ҳамда Новосибирск давлат университетлари, Санкт-Петербург физика-техника институтидан малакали олим ва мутахассислар келиб, талабаларга турли фанлар бўйича маърузалар қилмоқда.

Фаргона политехника институти жамоаси дунёнинг 10 дан ортқ давлатлари олий ўқув юртлари билан ҳамкорлиқни йўлга қўйган.

Элёржон ЭҲСОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

1 ➡ Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 10 август куни Шайхонтохур туманига ташрифи давомида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва бунда жамоатчилик ролини янада кучайтириш бўйича белгилаб берилган устувор вазифалар ҳамда уларнинг ижроси бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси раиси раҳбарлигида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Нуроний” жамғармаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар вакилларида иборат Жамоатчилик комиссияси ташкил этилган бўлиб, тузилма томонидан ўтган қисқа вақтда туман аҳолиси билан қатор мулоқотлар ўтказилди. Шу жараёнда аниқланган камчиликларни ҳал этиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш чоралари кўрилди. Эътиборлиси, ижтимоий-иқтисодий ва маиший соҳалардаги масалалар тезкорлик билан жойида бартараф қилинди. Шуларга мос ра-

Шайхонтохур туманидаги мавжуд 49 маҳалладаги оилалар, кўп қаватли уйларида яшаётган фуқаролар билан очик суҳбатлар ўтказилиб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маиший шароити, маҳаллалар ҳолати чуқур ўрганилиб, муаммоларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

вишда одамлар дунёқарашини ўзгартириб, улар лоқайдлик ва боқимандалик кайфиятидан халос бўлиб бораётди.

Бу борада, айниқса, маҳалла гузарии, спорт ва болалар майдончалари қуриш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига моддий ёрдам кўрсатиш, коммунал хизмат сифати яхшиланиб, ижтимоий соҳалардаги муаммолар жойида ҳал этиляпти. Масалан, “Жангоҳ” маҳалла-

Юксак эътибордан кўнгиллар мунаввар
Бу пойтахтимизнинг Шайхонтохур тумани маҳаллалари аҳолиси билан ўтказилган мулоқотларда яққол намоён бўлди.

фуқаролар йиғини, “Марказ-15” даҳасидаги кўп қаватли 5 ва 6-уйлар оралиғида спорт майдончаси қуриш ишлари жадал олиб борилаётди. Бундан ҳудуд ахлининг қувончи чексиз.

— Тизимли янгиланиш ва ислохотлар одамлар дунёқарашини, маънавий қиёфаси, мақсад ва муқдодларига ижобий таъсир кўрсатмоқда, —



дейди Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси матбуот хизмати раҳбари Муҳаббат Ўрмонбекова. — Бугун улар ўзини эл-юрт тақдирига дахлдор ҳис эътаётди. Шу Ватан ва шу маҳалла меники, унинг обод ва озодалиги, осойишталигини сақлаш менинг бурчим, унинг юксалишига ўз ҳиссамни қўшмоғим шарт, деган туйғу пайдо бўлмоқда. Туманда олиб борилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлариди аҳолининг фаол иштирок эътаётгани буни тасдиқлаб турибди.

Аниқланган камчиликлар шаҳар ва туман ҳокимлиги, мутасадди вазирлик ҳамда идоралар, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари иштирокида таҳлил қилиниб, уларни тезлик билан бартараф этиш чоралари қўрилайтир ва бу ўз натижасини берапти. Ана шундай ҳамкорлик туйғули Гулбозор ва Оқилон маҳалла-

ларидаги эскирган симёғочлар янгиланди. Гулбозор ва Эски Жарарик маҳаллаларидаги таъмирталаб йўлларга асфальт ётқизилди. Оқилон ва Жарарик маҳаллалари учун янги трансформатор пунктлари ўрнатилиши натижасида аҳолига талаб даражасидаги электр қуввати етказиб берилаётди.

Кўкча маҳалласидаги 3-Оқсой ва 4-Оқсой кўчаларида яшовчи аҳолини кўп йиллардан буён қийнаб келаётган муаммога ҳам ечим топилди. Бу ердан ўтган ичимлик суви тармоқларида таъмирлаш ва қувурларни янгиллаш ишлари бажарилиб, 260 метр полиэтилен қувур ётқизилди. Ўзбекистон маҳалласининг Меҳнатобод кўчасида ҳам коммунал хизмат кўрсатиш йўналишида кўндан бери аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлиб келаётган муаммо бор эди. Бу ерда 250 метрлик канализация тармоғи қурилмоқда. Худуддаги симёғочларга замонавий ёриткичлар ўрнатилади ва ён-атроф нурафшон бўлди.

Шайхонтохур маҳалласидаги 22 та кўп қаватли уйнинг томи капитал таъмирланиб, замонавий туңука билан ёпилади. Ушбу маҳалладаги 37 та кўп қаватли уй ўтган асрнинг 50-йилларида қурилган бўлиб, шундан буён кенг кўламли таъмирлаш амалга оширилмаган. Айни кунларда маҳалла худудидаги 7 ва 21-уйларнинг том қисмида капитал таъмирлаш ишлари олиб борилаётди. Яна 13 та кўп қаватли уйда шундай юмушларга ҳозирлик қилинмоқда. 35-уй ертўласидаги электр узатиш иштин янгисига алмаштирилади. Янги Камолон маҳалласидаги 17-уйга лифт ўрнатилади, Сархумдон маҳалласидаги 85-уйнинг томи янгиланмоқда.

Бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Мана, қилса бўлар экан-ку. Демак, ҳамма нарса хоҳишга, ҳаракатга боғлиқ. Афсуски, халқимиз эски шўро тўзумидан қолган лоқайдлик, боқимандалик иллатларидан, “Бизга шу ҳам бўлаверади”, деган эскича қарашдан хали батамом қутулмаган экан. Сўнгги икки йилдаги шиддатли ўзгаришлар, бутун мамлакатимиз бўйлаб кезаётган шижоат ва гайрат шамоли мудрок кўзларни очди, устига бир пакир муздек сув қуйганда одам қандай ўрнидан сапчиб турса, ана шундай турди ўрнидан. “Олма пиш, озғимга туш”, деб ётган бўлсан ҳеч нарсасга эришиб бўлмаслигини англаб етмоқда.

Аслида бундай ишлар — хашарлар уюштириб, уйлар қуриш, кўчалар, ариқларни тозалаш, ҳосилни йиғиб олиш халқимизнинг азалий анъаналари, урф-одатларидан. Бироқ бундай эзгу аъналар собиқ тўзум даврида аста-секин йўқолиб борганди. Шукрки, бугун улар янгича руҳда, замонавий кўринишда қайта тикланмоқда ва бутун



халқимизга манзур бўлмоқда. Шайхонтохур тумани аҳолиси фикрлари билан танишиб кўринг-а.

Сайёра САГАТОВА,
“Янги Жарарик” МФЙда истиқомат қилади:

— Турмуш ўртоғим вафот этган, ўғлим ва ўзим ногиронмиз. Музлаткич олишга қўлимиз калталиқ қилиб келаётганди. Жамоатчилик комиссияси билан учрашувда йиғилганимиз шунини айтдим. Бизга за-

монавий музлаткич беришди. Масала бунча тез ҳал бўлганига ҳалигача ишонгим келмайди. Бу хайрли ишлар бошида турган Юртбошимиздан миннатдормиз.

Неъматилла МУҲАМЕДОВ,
“Шофайзи” МФЙда яшайди:

— Маҳаллаларда каттани ҳурмат қилиш, қўни-қўшни ҳолидан хабар олиш, ночорларни қўллаш, кўчалар тозаллиги, ободлигига ҳисса қўиш каби азалий қадриятлар яна кучаймоқда. Президентимизнинг халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш йўлида туну кун меҳнат қилаётганларини қўриб, юрт тинчлиги ва осойишталиги, ривожига барчамиз масъул эканлигимизни теранроқ англаб етгандимиз. Одамлардаги лоқайдлик ва боқимандалик муздек эриб, эзгу мақсад йўлида бирлашиш истағи алангаланмоқда.

Наргиза ҲАКИМОВА,
“Янги Жарарик” МФЙда истиқомат қилади:

— Беш нафар фарзанд онасиман. Оиламизда бир оз етишмовчилик бор эди. Жамоатчилик комиссияси ёрдами билан муаммо хал бўлди. Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан бизга 5 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Бунга жавобан фарзандларимни эл қорига ярайдиган, юртимиз равнақи

йўлида хизмат қиладиган инсонлар этиб тарбиялашга астойдил интиламан...

Дарҳақиқат, халқимиз миннатдор. Одамлар эзгулиқни ҳеч қачон унутмайди, балки ўша яхшиларни эртаю кеч дуо қилади. Бировга яхшилик қилган инсон сира кам бўлмайди. Зеро, “Ёмғир билан ер, дуо билан эл кўқарар”, деб бежиз айтилмаган.

Жамоатчилик комиссияси ўз фаолиятини изчил давом эттирмоқда. Навбатдаги му-

лоқотда тумандаги Бог кўча, Илғор, Тинчлик, Жарарик, Сархумдон, Каттаҳовуз, Обиназар, Оқилон, Шофайзи, Маннон Уйғур номидида маҳаллалар қамраб олинди.

Унда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси раиси, Жамоатчилик комиссияси раҳбари Қудратилла Рафиқов Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан юртимиз ободлиги ва аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш, халқимиз ҳаётидаги азалий қадриятлар яна кучаймоқда. Президентимизнинг халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш йўлида туну кун меҳнат қиладиганларини қўриб, юрт тинчлиги ва осойишталиги, ривожига барчамиз масъул эканлигимизни теранроқ англаб етгандимиз. Одамлардаги лоқайдлик ва боқимандалик муздек эриб, эзгу мақсад йўлида бирлашиш истағи алангаланмоқда.

Мулоқот давомида Жамоатчилик комиссияси аъзолари аҳолини ўйлантираётган масалаларни диққат билан эшитди, аксариятига амалий ёрдам кўрсатилди.

Бугун бутун халқимиз қатори Шайхонтохур тумани аҳолиси ҳам ислохотлар ва уларнинг самараларидан мамнун. Чунки улар бу ишларни ўз тумани, маҳалласи, кўчаси, оиласи мисолида яққол қўриб турибди. Шу боис туманда ким билан гаплашманг, ёшу кекса — барчаси юртимиздаги тинчлик ва фаровонлиқдан, ўз ҳаётидан, наиники бугун, балки эртасидан ҳам кўнгли тўқ бўлиб, бахтли, тўқис умр кечириши учун яратилган шароитлардан мамнун эканини изҳор қиладди, шукроналар келтиради.

Инсоннинг бахтли яшашини учун кўп нарсаси шарт эмас, озгина эътибор керак, ҳолос...

Зокир ХУДОЙСУЛТОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳақим ЙўЛДОШЕВ
олган суратлар.

Рақснинг сеҳрли олами

1 ➡ Миллий маданиятимизни дунёга танитадиган ушбу санъат фестивалининг айнан Хоразмда ўтказилаётгани бежиз эмас. Негаки, бу замин ўзининг бетакрор рақс санъати — “Норим-норим”, “Оразибон”, “Бир юз бир”, “Алиқамбар” каби дурдоналар билан маълуми машҳур. Айниқса,



“Лазги” куйи қалинганда кексаю ёш беҳитиёр рақсга тушиб кетади. — Ўзбекистонга таширфимнинг илк кунига шундай ажойиб маданий тадбирда қатнашаётганимдан жуда хурсандман, — дейди туркиялик сайёҳ Туба Довудуғли. — Бу замин нафақат тарихий обидалари ва ширин-шакер мевалари, ажойиб миллий урф-одат ҳамда анъаналари, балки бетакрор санъати билан ҳам мени ўзига мафтун этди. Соз сеҳридан тўлқинланиб мен билан келган ҳамюртларим ҳамда бошқа чет эллик сайёҳлар қадимий бош кийим —

чўғирмани кийиб, чиройли миллий либослардаги рақос ва рақосаларга қўшилиб ўйинга тушди. Хоразмча паловин биринчи марта шу ерда татиб кўрдим. Ушбу ёрқин лаҳзалар акс этган суратларни эса фахр билан ижтимоий тармоқлар орқали дўстларимга юбордим.

“Ўзбек — Туркман” дўстлик уйида ўтказилган илмий-амалий анжуман

жаҳон халқлари рақс санъати тарихи ва ривожланиш босқичлари, келгуси истикболлари ҳақида қизғин фикр алмашув ҳамда мунозараларга бой бўлди.

— Рақс санъати нафақат ҳаракат, балки инсон руҳияти, маънавияти ва маданияти кўзгуси ҳамдир, — дейди фестивал иштирокчилари Сайе Нагайа. — Рақсдаги ҳар бир ҳаракат томошабин қалбига маънавий куч бера олсагина у чинакам санъат даражасига қўтарилади. Бугунги фестивалда турли миллат вакиллари ижросидаги жозибадор рақслар санъатининг бу тури таржимон ва изоҳга муҳтож эмаслигини, у элларни элларга, дилларни дилларга боғловчи мустаҳкам восита эканлигини яна бир бор исботлади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, “Олтин мерос” халқлора хайрия жамғармаси вилоят бўлими, Хоразм Маъмун академияси томонидан

“Хоразм лазгиси” рақсини жаҳон номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритиш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда. Бу эса дилларга жўшқинлик бахш этувчи Хоразм рақс санъатининг ўзига хос “таширф қорғози”га айланган маданий меросимиз ноёб намунасининг дунё сахналаридан муносиб жой олишига хизмат қиладди.

— Ушбу фестиваль янги истеъдодларни излаб топиш ва кашф этиш, миллий маданиятимизни дунёга намойиш қилиш ҳамда бошқа халқлар рақс санъати билан яқиндан танишиш имконини беради, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Матёқубова. — Олтимси йилга яқин ижодий фаолиятим давомида 90 дан зиёд миллий рақсларни яратдим. Бугун ушбу нуфузли анжуман сахнасида бу рақсларни шоғирдларим зўр маҳорат билан ижро эътаётганидан бахтиёрман.

Қадим Хивада учинчи бор ўтказилаётган мазкур фестиваль нафақат юртимиз, қолаверса, чет эллик санъат ихлосмандларида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Уч кун давом этган санъат ва нафосат байрами халқимиз маданиятининг илдизлари нақадаг теранлигини яна бир бор жаҳонга намоён қилди. Шу билан бирга, ёш авлод қалбига ўзликни англаш, аجدодларимизнинг бебаҳо маънавий меросига, азалий қадриятларимизга эҳтиром туйғуларини уйғотди.

Одилбек ОДАМБОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Мутахассислар фикрича, автомобиллар тирбандлиги, улардан чиқаётган зарарли газларни қамайтириш ва автотураргоҳлар етишмаслиги муаммосини шу каби оммавий тадбирлар орқали енгилаштириш мумкин. Икки гилдиракли транспорт воситаси бундай вазиятда қўл келади.

Мазкур ташаббуснинг яна бир жиҳати тўхталиш лозим. Гап шундаки, велосипедда ҳавфсиз ва қулай ҳаракатланиш учун ўзига хос инфратузилма керак. Шу сабабли пойтахтимиз кўчаларида дастлабки лойиҳаларни рўёбга қиариш ишлари бошлаб юборилди. Хусусан, Амир Темур хиббони атрофи кенгайтирилиб, махсус велосипед йўлчалари қурилди, Яёғ Гуломов кўчасида махсус велотураргоҳ барпо этилди.

Бундай эзгу ташаббуслар яна кўплаб хайрли ишларга йўл очибди аниқ.

Бощ прокуратура ҳузуридаги
Ахборот-таҳлил мультимедиа
маркази материаллари асосида
З. ХОЛТУРАЕВ тайёрлади.

Автомобилда эмас,
велосипедада ҳаракатланамиз



Юртимизда жорий йилнинг 15 сентябридан бошлаб ҳар ойнинг учинчи жумасида “Автомобилсиз кун” акцияси ўтказилаётган бўлди. Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 30 августдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги кунини ўтказиш ва йўл транспорт ҳодисалари профилактикасининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасидаги ушбу тадбирдан кўзланган мақсад аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва уларда атроф-муҳитни муҳофаза этиш бўйича дахлдорлик ҳиссини юксалтиришдан иборатдир.

Маълумотларга кўра, Тошкент шаҳрида атмосферага чиқадиغان зарарли газларнинг 90 фоизи айнан автомобиллар улушига тўғри келади. Табиийки, автоуловлар сонин республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам кўндан-кўнга кўпаймоқда. Энди, тасаввур қилиб кўриниш, бу ҳолатда яқин келажада ҳавода қандай ўзгаришлар кузатила-

ди? Бунинг вақт кўрсатади дейсизми? Тўғри, аммо табиат ҳамда атроф-муҳит соғлигини эртага эмас, айнан бугундан ўйлаш ва зарур чораларни қўриш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Экология ва атроф-муҳити муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Бош прокуратура ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказил-

«Тасанно»да дунё таомлари

Пойтахтимизда «Тасанно — 2018» маданий аънаалар ҳамда миллий таомлар фестивали бўлиб ўтди.

Унда Германия, Жанубий Корея, ХХР, Россия, Ҳиндистон, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Бангладеш, Фаластин, Украина, Латвия, Озарбайжон, Вьетнам каби давлатлар элчионалари, дўстлик жамиятлари, миллий маданият марказлари вакиллари ҳамда мамлакатимизнинг машҳур ошпаз ва хунармандлари қатнашди.

Фестивалда Ўзбекистон ташқи сиёсатда хўрматга асосланган муносабатларни мустаҳкамлашга катта эътибор қаратаётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармонида мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси ташкил этилди. Ташкилот бугунги кунда республикамизда фаол “халқ дипломатияси” асосида чет элдаги ватандошларимиз билан мунтазам ва ўзаро фойдаланган муносабатларни йўлга қўйиш, хорижий давлатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кучайтиришга интиломоқда. Бундан ташқари, юртимизда яшовчи турли миллат ва эллар вакиллари билан алоқаларининг ўзига хос аънавалари, урф-одатларини

асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришга кўмаклашишда ҳам алоҳида фаоллик кўрсатмоқда. Тадбирга таширф буюрган мингга яқин меҳмонлар турли халқлар миллий таомларидан татиб қўриш, уларнинг тайёрлаш усулларини ҳақида маълумот олиш бораба-

билан қутамиз, — дейди Латвиянинг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва муқтор элчиси Михаил Попков. — Бундай тадбирлар халқлар ўртасидаги дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қиладди. Элчионамиз вакиллари миллий маҳсулотларимиз, салатлар ва ичимликларни намойиш этди. Улар иштирокчиларнинг эътиборини тортганидан мамнунмиз.

Яқинда ағиллар аниқланди. Унга кўра, қозоғистонлик ошпазлар Гранприга сазовор бўлди. Фаластинликлар биринчи, Украина ва Ҳиндистонлик ошпазлар иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллади. Фалибларга диплом ва эс-далик совғалар топширилди.

Турли тиллардаги қўшиқлар, куй ва рақслар тадбирга янада файз бағишлади.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Динора ЧИРҚОВА
олган суратлар.

“O’zsuvloyiha” АЖ жамоаси бош муҳандис
Мамаюсуп Поёнович ХОЛБОВЕВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ

олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларига 2019 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:

ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА

(ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)

- 08.00.07 — Молия, пул муомаласи ва кредит — 2 ўрин.
 08.00.13 — Менежмент — 2 ўрин.
 12.00.01 — Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи — 2 ўрин.
 12.00.02 — Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи — 2 ўрин.
 22.00.02 — Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи — 1 ўрин.
 22.00.08 — Бошқарув социологияси — 1 ўрин.
 23.00.03 — Сиёсий маданият ва мафкура — 1 ўрин.

Таянч докторантурага қуйидагилар қабул қилинади:

- магистр даражасига ёхуд олий маълумот тўғрисидаги диплом (мутахассислик дастурлари бўйича)га эга бўлганлар;
- фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий натижалар, шу жумладан, илмий журналларда чоп этилган камида битта мақола ҳамда тегишли йўналишлар бўйича иккитадан кам бўлмаган илмий ишлар тўпламларига киритилган маъруза тезисларига эга бўлганлар.

Талаб қилинадиган ҳужжатлар:

- ариза;
 - қисқача биографик маълумотнома (объективка);
 - меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
 - олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
 - нашр этилган илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхалари.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар.
- Таянч докторантурада ўқиш учун талабгорлар мутахассислик ва чет тили бўйича кириш имтиҳонлари топширадилар.

ДОКТОРАНТУРА

(ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)

- 08.00.13 — Менежмент — 1 ўрин.
 12.00.01 — Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи — 1 ўрин.

- 12.00.02 — Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи — 1 ўрин.
 22.00.02 — Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи — 1 ўрин.
 22.00.08 — Бошқарув социологияси — 1 ўрин.

Фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси ёхуд уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар олгандан сўнг муҳим илмий ютуқларга эришган, шу жумладан, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда чоп этилган камида учта илмий мақолага ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камида иккита тезисга эга бўлганлар.

Талаб қилинадиган ҳужжатлар:

- ариза;
 - қисқача биографик маълумотнома (объективка);
 - меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
 - олий маълумот, фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;
 - тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
 - нашр этилган илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхалари.
- Докторантурада ўқиш учун талабгорлар ихтисослик бўйича суҳбатдан ўтадилар.

МУСТАКИЛ ИЗЛАНУВЧИЛИК

(ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун)

- 08.00.07 — Молия, пул муомаласи ва кредит.
 08.00.13 — Менежмент.
 12.00.02 — Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи.
 22.00.02 — Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи.
 22.00.08 — Бошқарув социологияси.
 23.00.03 — Сиёсий маданият ва мафкура.

Фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун мустақил изланувчиликка қуйидагилар расмийлаштирилади:

- магистр дипломи ёки олий маълумот тўғрисидаги (ихтисослик бўйича) дипломга эга бўлганлар;
 - белгиланган илмий мақолаларга эга бўлганлар;
 - камида икки йиллик илмий-педагогик иш стажига эга муайян илмий ютуқлар (ихтиро учун патентлар ёки муаллифлик гувоҳномалари)га эга бўлганлар.
- Фан доктори (DSc) илмий даражаси учун мустақил изланувчиликка фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёки уларга тенглаштирилган хорижий мамлакатларда олинган дипломга эга бўлган, белгиланган тартибда талабларга мувофиқ илмий даража олгандан сўнг салмоқли илмий ютуқларга эришган шахслар расмийлаштирилади.

Талаб қилинадиган ҳужжатлар:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома (объективка);
- фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштириш учун магистрлик ёки олий маълумот (мутахассислик дастури бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
- фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштириш учун фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) дипломи ёки хорижда олинган унга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар дипломи нусхаси;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхалари;
- иш жойидан тавсифнома.

Мустақил изланувчиликка талабгорларни танлаб олиш 2018 йил 30 ноябргача бўлган муддатда ихтисослик бўйича суҳбат натижалари ва қабул комиссиясининг тегишли хулосасига кўра амалга оширилади.

Ҳужжатлар 2018 йил 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари

жорий йилнинг 1—25 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 45-уй.
 Алоқа учун телефонлар: (0-371) 232-60-67, 232-61-37.
 Электрон манзил: gaffarova1964@mail.ru

7902/293

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларига
 2019 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича
 қабул эълон қилади:

ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА (PhD)

- 02.00.06 — Юқори молекуляр бирикмалар — 1 ўрин.
 05.02.03 — Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва робототехника тизимлари — 3 ўрин.
 05.06.02 — Тўқимачилик материаллари технологияси ва хом ашёга дастлабки ишлов бериш — 6 ўрин.
 05.06.03 — Тери, мўйна, пойабзал ва тери-галантерея буюмлари технологияси — 2 ўрин.
 05.06.04 — Тикувчилик буюмлари технологияси ва костюм дизайни — 3 ўрин.

ДОКТОРАНТУРА (DSc)

- 05.06.03 — Тери, мўйна, пойабзал ва тери-галантерея буюмлари технологияси — 1 ўрин.

ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА (PhD)га талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда олий таълим муассасаси раҳбарига мурожаат қилади:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- олий таълим бакалавриатураси, магистратураси дипломлари нусхаси;
- илмий журналларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида битта) ва илмий-амалий конференциялар тезислари (камида иккита) рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар.

Докторант сифатида ўқиш учун қираётган шахслар:

- мутахассислик;
- чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил) бўйича кириш имтиҳонлари топширадилар.

ДОКТОРАНТУРА (DSc)га талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда олий таълим муассасаси раҳбарига мурожаат қилади:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- олий таълим муассасасининг магистратура дипломи;
- олий маълумот, фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги дипломлари нусхаси;
- тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари.

Ҳужжатлар 2019 йил 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Шохжаҳон кўчаси, 5-уй,
 Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институти, 1-бино, 514-хона.
 Телефон: (0-371) 253-26-89.

7912/298

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш базирлиги

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича 2019 йил учун докторантлар (PhD ва DSc)
 ҳамда мустақил изланувчилар институтига қабул эълон қилади.

Таянч докторантура (PhD)

- 15.00.01 — Дори технологияси — 3 ўрин.
 15.00.02 — Фармацевтик кимё ва фармакогнозия — 1 ўрин.
 14.00.17 — Фармакология ва клиник фармакология — 1 ўрин.

Докторантура (DSc):

- 15.00.03 — Фармацевтика ишини ташкил этиш — 1 ўрин.

Мустақил изланувчилар (PhD, DSc)

(ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун)

- 15.00.01 — Дори технологияси.
 15.00.02 — Фармацевтик кимё ва фармакогнозия.
 15.00.03 — Фармацевтика ишини ташкил этиш.
 14.00.17 — Фармакология ва клиник фармакология.

Керакли ҳужжатлар:

Таянч докторантура (PhD)

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома (шахсий варақа ва таржимаи ҳол);
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий таълим муассасасининг магистратура дипломи;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари (камида битта мақола ва иккита тезис);
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхаси;
- паспорт ва ҳарбий билет нусхалари;
- 3x4 см. ҳажмдаги 4 та фотосурат;
- иш жойидан тавсифнома.

Докторантура (DSc)

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома (шахсий варақа ва таржимаи ҳол);
- тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий маълумот, фан номзоди ёки фалсафа (PhD) ёхуд уларга тенглаштирилган хорижий давлатларда олинган илмий даражалар) дипломи;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари (камида учта мақола ва иккита тезис);
- паспорт ва ҳарбий гувоҳнома нусхалари;
- 3x4 см. ҳажмдаги 4 та фотосурат;
- иш жойидан тавсифнома.

Ҳужжатлар 2018 йил 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй. Телефон: (0-371) 256-39-54.

7902/297

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:

- Халқаро оммавий ҳуқуқ ва давлат-ҳуқуқий фанлари кафедраси: кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи, стажёр-ўқитувчи.
- Халқаро хусусий ҳуқуқ ва фуқаролик-ҳуқуқий фанлари кафедраси: кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи, стажёр-ўқитувчи.

Ҳужжатлар (ариза, фотосуратли шахсий варақа, таржимаи ҳол, олий маълумот, илмий даража ва унвонлар ҳақидаги дипломларнинг нусхалари, илмий ишлар рўйхати) мазкур эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 54-уй.
 Телефон: (0-371) 267-65-40, e-mail: kadrilar_bulimi@uwed.uz

7912/295



«ELXOLDING»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
 МУСТАҚИЛЛИК КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН
 БИЗДА ЧЕГИРМА

15 500 000

СУМ

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Тел.: (+99893) 330-50-00, (+99871) 239-88-58.

Манзил: Самарқанд ш., Гагарин к., 36-уй. Мўлжал — «КИНАП» заводи.

6898/236

ЮК ТАШУВЧИ МОТОЦИКЛЛАР



Чегирманинг амал қилиш муддати —

2018 йил 30 сентябргача.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
 Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
 Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
 Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 945. 76 901 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;
 Котибият (0-371) 233-10-28; Ўзловлар (0-371) 232-11-15.



“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
 “Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.15 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6